



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

« 04 » Август 2021-у.

№ 03-02/02-3534 « \_\_\_\_\_ »-\_\_\_\_\_ 2021-ж.

Тўрткул тумани Ифтихор кўчаси  
99-уйда яшовчи фуқаро Д.Хамраевага

Нусқаси: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирлигига

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан  
Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича  
вакили котибиятига Тўрткул тумани Ифтихор кўчаси  
99-уйда яшовчи фуқаро Д.Хамраеванинг берган мурожаати юзасидан  
қўйидагиларни маълум қиламиз:

Сизнинг жорий йил 14 июль кунги 64487-р/21-сонли мурожаатингизда  
«Мактабнинг капитал таъмирига давлат томонидан ажратилган 600 млн сум  
маблағини мактаб директори ва туман халқ таълими бўлими мудири талон-  
тароғ қилганлигини ошкоралаганингиз ва келтирилган зарар бюджетга тўлаб –  
жавобгарликга тортилганлигини» билдиргансиз.

Сизнинг ушбу мурожаатингиз вазирлик томонидан бир неча марта  
ўрганишлар олиб борди ва юқоридаги важлар Сиз келтиргандай эмаслиги  
аниқланди. Мактаб биносини таъмирлашда “Тўрткул Бегзод Транс” МЧЖ  
томонидан олиб борилганлиги ва белгиланган муддатида тузилган шартнома  
шартлари тўлиқ бажарилганлиги, таъмирлаш ишлари тўлиқ якунига  
етказилганлиги аниқланди.

Вазирликнинг жорий йил 14 январь кунги 11-сонли буйруғи асосида ишчи  
гуруҳ тузилиб, мактабнинг таъмирлаш ишлари ўрганилиб чиқилди ҳамда Сизга  
ушбу ўрганишнинг натийжаси бўйича Тўрткул тумани халқ таълими бўлимининг  
2021 йил 18 январьдаги 01-01/1-55-сонли хати, вазирлик томонидан 2021 йил  
27 май кунги 02-02/02-2672-сонли хати асосида жавоб берилган.

*“Мурожаатингизда, 18-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим  
мактаб раҳбариятидан норози эканлигингиз, ўзингизнинг ишлаб келган бошланғич  
синфларда жисмоний тарбия фани ўқитувчиси сифатида ишга қайта тиклашни  
ҳамда белгиланган муддатлар учун пул тўлашни сўрагансиз”*

Сизни мактаб раҳбарияти томонидан ишдан бўшатиш сабаби ўрганилди ва  
натийжаси юзасидан Сизга Тўрткул тумани халқ таълими бўлимининг  
2020 йилнинг 6 ноябрь кунги 01-01/10-1264-сонли хати билан жавоб берилган.

(вазирликнинг жорий йил 14 январь кунги 11-сонли буйруғи асосида ишчи  
гуруҳ ҳулосаси 2 варақда илова қилинади)



Мурожаатингизда мактаб ва туман халқ таълими бўлими раҳбариятига қарата “Коррупцион уюшган гуруҳ” деген сўзлардан фойдалангансиз. Агар “Коррупцион уюшган гуруҳ” эканлигини тасдиқловчи далил бўлса тегишли тартибда Ички ишлар органларига мурожаат этишингиз мумкинлиги бўйича вазирлик томонидан Сизни яна бир марта огоҳлантиради. (Олдин ҳам бир неча марта огоҳлантирилгансиз)

Шунингдек, Жорий йилнинг 25 май куни Қорақалпоғистон Республикаси Фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро суди томонидан Д.Хамраеванинг жавобгар Тўрткул тумани 18-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабига нисбатан буйруқни бекор қилиш ва мажбурий қисман иш ҳақи ундириш ҳақидаги 2-2302-2101/2806-сонли фуқаролик ишида кўриб чиқилди ҳамда даво аризангизни қаноатлантириш рад этилганлигини билдирамыз.

(Суд қарори 4 варақда илова қилинади)

Ушбу суднинг қароридан Сиз (Д.Хамраева) норози бўлиб, ушбу иш Қорақалпоғистон Республикаси судида апелляция инстанцияси тартибида жорий йилнинг 29 июль куни қайта кўриб чиқилди ва Қорақалпоғистон Республикаси Фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судининг қарори ўз кучида қолдирилган ҳамда Сизнинг (Д.Хамраева) даво аризангиз рад этилганлигини билдирамыз.

(суд қарори 15 кун муддатда чиқиши белгиланган)

Мурожаатингизда II гуруҳ ногирон фарзанд тарбияловчи деб кўрсатилганлиги юзасидан Тўрткул тумани Тиббиёт бирлашмасининг жорий йил 30 апрель кунги 02-1146-21-сонли хатида фарзандингиз 2017-2018 йилларда соғлиги яхшиланганлиги сабабли даволанишга келмаганлигини шунингдек, 2019 йилнинг 25 январьдан тўлиқ реабилитация қилинганлиги ва ногиронлик руйхатидан чиқарилганлиги ҳамда ҳозирги кунда ногиронлиги мавжуд эмаслигини билдирган.

(Тўрткул тумани Тиббиёт бирлашмасининг 02-1146-21-сонли хати 1 варақда илова қилинади)

Вазир ўринбосари

Ш.Таджимуратов